

## Рўза тутиш ман қилинган кунлар | Фикҳ дарслари (345-дарс)



19:00 / 11.09.2025 1328

### **Васиятга амал қилиш учдан бирдан бўлади.**

Яъни мазкур шахс ўлаётиб, «Тута олмаган рўзамнинг фидяси берилсин», деган васиятни қилган бўлса, у меросга қолдирган молнинг учдан бирдан берилади. Агар фидянинг миқдори мероснинг учдан бирдан кўп бўлса, ундан ортганини меросхўрлар бермасликка ҳақлилар.

### **Ҳар бир қазо қилинган намознинг фидяси бир кунлик рўзанинг фидяси миқдорича.**

Киши ўлимидан олдинги беморлигида баъзи намозларини ўқий олмаган бўлса, ўша қазо қилинган намозларга ҳам меросхўрлари фидя беришлари мумкин. Бунда қазо қилинган бир вақт намоз учун бир кунлик рўзага





**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни олдимизга кириб:**

**«Ҳузурингизда бирор нарса борми?» дедилар.**

**«Йўқ», дедик.**

**«Ундай бўлса, мен рўзадорман», дедилар.**

**Сўнгра бошқа бир куни олдимизга келган эдилар,**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳайс ҳадя қилинди», дедик.**

**«Қани, менга кўрсат-чи, рўза ният қилган эдим», дедилар ва ундан эдилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

**Мусофир муқим бўлган, ҳайзли аёл пок бўлган, ёш бола балоғатга етган ва кофир мусулмон бўлган куни куннинг қолган вақтида ўзини тияди. Охири иккиси қазо тутмайди.**

Яъни Рамазонда куннинг бир бўлаги ўтгандан сўнг мусофир сафардан қайтиб келса, ҳайз кўриб турган аёлнинг ҳайзи тўхтаса, ёш бола балоғатга етса ёки кофир Исломни қабул қилса, буларнинг ҳаммаси куннинг қолган қисмида худди рўзадордек бўлиб, емай-ичмай юради.

Балоғатга етган ёш бола ва янги мусулмон бўлган одамга ўша куннинг қазосини тутиш лозим бўлмайди.

**Муқим сафарга чиқса, ўша куннинг рўзасини охирига етказди. Агар очиб юборса, унга каффорат лозим бўлмайди.**

Ўз юртида яшаб турган шахс рўза тутиб олиб, куннинг маълум қисми ўтганидан кейин сафарга чиқса, рўзасини сафарда бўлса ҳам охирига етказди. Мабодо «Мусофир бўлдим», деган фикр ила ўша куннинг рўзасини очиб юборса, қазосини тутди. Аммо каффорат бермайди.

**Ойнинг ҳаммасида мажнун бўлиш рўзани соқит қилади. Баъзисида эмас.**

Бир Рамазон ойи тўлиқ мажнун бўлса, унга рўза тутиш фарз бўлмайди. Аммо Рамазон ойининг баъзи кунлари мажнун бўлиб, қолган кунлари соғайиб қолса, соғ кунларининг адосини, жинни бўлган кунларининг қазосини тутди.

**Агар бир неча кун ҳушидан кетиб ётган бўлса, ўша кунларнинг қазосини тутади. Илло, ниятини қилган кунни тутмайди.**

Чунки ўша кунги рўзаси ўз ўрнида адо бўлган ҳисобланади.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.